

Protected by PDF Anti-Copy Free  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Боғот тумани



2023 йил 03 апрель

Боғот туманлараро иқтисодий судининг раиси, судья Б.Давлатов томонидан яқка тартибда даъвогар Днинг Ждан 3 288 670 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибдаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

2020 йил 01 августда Д (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ҳамда Ж (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида 117-сонли табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича шартнома тузилган бўлиб, унга кўра Д “Истеъмолчи”га табиий газ етказиб бериш, “Истеъмолчи” жавобгар эса қабул қилинган табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олган.

Ушбу, шартноманинг 4.6-бандида “Истеъмолчи” ҳар ойнинг 10-санасига қадар аввалги ой истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширади деб белгиланган.

Худудгаз Хоразм газ таъминоти филиали томонидан туташтирилган тармоқ орқали “Истеъмолчи”га табиий газ етказиб берилиб, тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилган.

Бироқ, “Истеъмолчи”га табиий газ етказиб берилган бўлсада, жавобгар томонидан табиий газ учун тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги натижасида 2023 йил 08 март ҳолатига муддати ўтган 3 288 670 сўм қарздорлик юзага келган.

Даъвогар томонидан юборилган истеъмол қилинган табиий газ учун қарздорликни тўлаш ҳақидаги талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Даъвогар, жавобгар томонидан тўлов мажбуриятлари бажарилмаган деб ҳисоблаб, жавобгардан 3 288 670 сўм ундириш тўғрисидаги даъво билан судга муурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 234-моддасида, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 236-моддасида, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги кўрсатилган.

Иш хужжатларидан кўринишича, мазкур ҳолатда мажбуриятлар газ таъминоти шартномасидан келиб чиққан.

Шунингдек, даъвогар томонидан тақдим қилинган маълумотномага кўра жавобгар томонидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилинганидан кейин 3 288 670 сўм қарздорлик тўлиқ тўлаб берилганлиги маълум қилинган.

Шунга кўра, суд даъвогарнинг асосий қарзни ундириш тўғрисидаги талабини қаноатлантиришни рад қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддасида ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак деб белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, суд даъво талабини қаноатлантиришни рад қилишни, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига асосан ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни жавобгардан даъвогар фойдасига 30 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 234, 236-моддаларини, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68, 118, 128, 170, 176-179, 180, 186-188, 192 ва 203<sup>5</sup>-моддаларини кўллаб, суд

#### **қ а р о р қ и л д и:**

Даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш рад қилинсин.

Жавобгар Ждан даъвогар Д фойдасига олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар Ждан Республика бюджети фойдасига 300 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори 10 (ўн) кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиши, прокурор протест келтириши мумкин.

**Судья**

**Б.Давлатов**